Бугунги кунда мамлакатимизда иш билан банд бўлган аҳолининг 76 фоиздан кўпроги айнан шу соҳада меҳнат қилаётди. Тошкент шаҳрида ушбу кўрсаткич 70 фоизни ташкил этсада, ўтган йили яратилган янги иш ўринларининг 75 фоизи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлар ҳиссасига түғри қолаётгани эътиборидир. Республика бўйича янги ички маҳсулот ҳажмида кичик бизнеснинг улushi 48,2 фоизга тенг бўлса, пойтахт янги ҳудудий маҳсулотининг 50 фоизи ушбу соҳа вакилларига түғри келмоқда. Умуман олганда, кейинги олти йил ичиде фаолият юритаётган бизнес субъектлари деярли икки баро-

сида руҳсат берилиши белгилади.

Ийгилишда солиқ ва бошқа назорат фаолиятини олиб борувчи идоралар мутахассисларининг малакасини ошириш лозимлигига ҳам ургу бериб ўтилди. Маълум қилингандек, тегишвор ўтказилган 394 та субъект Ёнги хавфсизлигини натижалари шунини кўрсатдики, айрим назорат органлари вакиллари томонидан хунуз бир хил вазиётларда хато ва камчиликларга йўл қўйилмоқда. Хусусан, ўтган йил давомиде ноқонуний тегишворлар қайд этилмаган бўлсада, аммо тегишворларни рўйхатда олиш китобини түлдиришда ўз вазифасига масъулиятсиз ёндашгани боис Ҳамза, Мирзо Улугбек ва Яқасарой туманлари солиқ инспекциялари, Юнусобод тумани санитария-эпидемиология назорати маркази, Учтепа ва Чилонзор туманлари



Спорт оламида

7 КАРРА ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ СПОРТГА ҚАЙТДИ

«Тур де Франс» велопоёғаларининг 7 карра жаҳон чемпиони Лэнс Армстронгнинг уч йиллик танаффусдан кейин яна спортга қайтгани кўпчиликни ҳайратга солгани аниқ. Ҳаёти афсонавий қаҳрамонликка айланган америкалик бу спортчи фақат оғир касалликдан ўзини ўнглаб олибгина қолмай, жаҳоннинг энг нуфузли велопоёғаларида кетма-кет етти марта ғолибликни қўлга киритганди.

Гап шундаки, шифокорлар унда саратон касаллигини аниқлашган, унинг чангалидан қутулиш эса, ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермаслиги аниқ. Аммо Лэнс тушқунликка берилмади – ўз шифосини спортда кўриб, иродасини жамлаб, оёққа турди ва ўзини велосипед спортга бағишлагани ахд қилди. Тинимсиз олиб борилган машғулотлар, ҳаётга бўлган чекис муҳаббат, спортдаги метин ирода ўз самарасини берди: Лэнс Армстронг юқорида таъкидлаганимиз «Тур де Франс» мусобақаларида бирин-кетин 7 ғалабани қўлга киритиб, инсон иродаси нималарга қодирлигини бутун дунёга намойиш этди.



Спортчи шон-шўҳрат чўққисидан турганидан ундан сармаст бўлмади, вақтида – яъни еттинчи ғалабадан кейин у катта спортни тарқатишга қарор қилганини билдирди. Велопоёғалар тождорининг бу йил яна «Тур де Франс» пойғаларида қатнашишга ахд қилгани ишқибозларни ҳам ҳайратлантирди, ҳам севинтирди. Лекин у бу гал ғолиблик учун эмас, жамоадорларини руҳлантириш, уларни қўллаб-қувватлаш, тажрибаларини улаштириш мақсад қилиб қўйганди. Жумладан, Америка пойғаларида у жамоадорши Леви Лайфаймер ғалабага эришиши учун бор имкониятини ишга солди.

«Вуэльта Кастилии и Леона» кўпкунлик пойғасида капитанлик боғичи билан қатнашаётган буюк спортчи олдинги марраларда кетаётиб, бахтсиз ҳодисага учради. Буни қарангки, шифокорлар унинг елкасида ўрдов суяги синганини маълум қилишди. Кўпчилик уни энди мусобақалардан чиқиб кетгани, деб ўйлаганди. Аммо яқинда у пойғанинг навбатдаги босқичида қатнашиш учун ҳозирлик кўраётганини билдирди...

СКОТТ: WTA ВА АТР БИРЛАШИШИ КЕРАК

Сўнгги йилларда WTA Tour эркаклар теннис спортини ривожлантиришида яхшигина натижаларга эришиб келаётгани учун ҳам бу ташкилот раҳбари Ларри Скоттнинг истеъфога чиқиш истаги куёш чарақлаб туриб, чакмоқ чакандек таассурот қолдирди. Ўз қарорини шарҳлар экан, Скотт аввало оилавий сабаблари борлигини, яъни саккиз, етти, беш яшар фарзандларига кўпроқ вақт бағишламоқчи эканини таъкидлади. Иккинчидан, Рас – 10 (АҚШ Фарбий штатларида талабалар спорти ассоциацияси) да нафақат теннис, балки 15

фақиятлардан катта қаноат ҳосил қилишини, айниса аёллар теннисини мавқеи кучайганидан мамнунлигини изҳор этди. Унинг фикрича, WTA айни гуллаб-яшнаб турган бир пайтда уни тарқатиш энг қулай пайт экан. АТР (аёллар теннис ташкилоти) га муносабати ҳақида гапираркан, Скотт аёллар теннисидан каттагина натижаларга эришгани, шунинг учун ҳам АТР кенгаши аъзолари унга WТAни тарқатиб, АТРга ўтишни таклиф этишганини, аммо у ушбу таклифни рад этганини ҳам билдирди.

— Мен «йўқ» деб жавоб бердим, чунки профессионал теннис имкониятларини тўла оқиб бериш ва унинг бошқа спорт турлари билан энг олий даражада рақобатлаша олиш учун ўзаро бирлашишлари кераклигига ишончим қатъий, — дея таъкидлади Ларри Скотт. — 11 йил АТРнинг ижрочи директори бўлиб, кейин олти йил давомида WTA рулини бошқарганимдан кейин эркаклар тури ҳам, аёллар тури ҳам бирлашишдан фақат янада кучайишлари мумкин ва теннис спортнинг бошқа турлари билан яхшироқ рақобатлашадиган бўлади, деган хулосага келдим.



га яқин спорт тури муаммолари билан шуғулланмоқчилигини билдирди машҳур спорт амалдори.

Шунингдек, у сўнгги олти йил мобайнида WТAда эришилган муваф-

Дам олиш соатларида

«Тошкент оқшом» саломатлик хизмати

СОҒЛИҒИНГИЗГА ЭЪТИБОРЛИ БЎЛИНГ

Тиббиёт фанлари доктори Ф.Саидов, агар инсон ўзига диққат билан назар солса, саломатлиги билан боғлиқ муаммоларни аввал бошданоқ билиб олади, деб ҳисоблайди. Қуйида у изҳор этган 20 аломатни келтирамиз.

1. Сочларингиз тўсатдан нурсизланиб, хира тортиб қолса – зудлик билан танангизни В витамини билан тўйинтиринг. Сочларингиз қуруқлаб қолгани –Е витамини билан муолажани бошланг, ёғли бўлиб кетгани – вегетатив қон томчилари дистонияси бошланибди: дарҳол уйкуга тўйиб, асабларингизни жойига келтиринг.
2. Тарагингиздан сўнг бир ҳовчун соч қўлингизда қоладими? Бу иммунитетингиз пасайганини билдирувчи аломатлардан биридир. Қонингизни умумий анализга ва биокимёвий текширишга топшириб, бунинг сабабини аниқланг.
3. Пешонангизда кўндаланг ажинлар, кўзларингиз остида мислсиз бинафшаранг соялар пайдо бўлди? Булар – сурункали толиқиш аломатлари. Дарҳол яқшанбалик ишларингизни бир жойга йиғиштириб, ҳовузда сузиш ва тарангликни бўшатирувчи массажа ёзилинг. Қаттиқ парҳезни қўя туриб, шоколад, цитрус мевалари, ёнғоқни кўпроқ истеъмол қилинг.
4. Тилингизга кўзгуда разм солинг. Енгил қизғиш рангда бўлса – соғломсиз, агар у оқ қараш билан қолган бўлса – ошқозон ва ичакларингизни, сарғиш рангда бўлса – жигарингизни текширтиринг, кўкмиртир ранг юрагингизда муаммо борлигини аниқлади.
5. Кўзларингизда томичалар ёрилиб кетди – бу кўз мускуллари толиқгани аломати, дея умид қиламиз. Мабоодо, бу ҳолат тез-тез такорланганидан бўлса – кўз ичи қон босими ортиси ва миёда қон айланмишида муаммо пайдо бўлгани белгисидир бу.
6. Бурун-лаблар учбурчаги доирасида кўкмиртир соялар пайдо бўлиб, лабларингиз оқарди – юрагингизни текширтиринг. Эҳтимол, бу юрак етишмовчилиги ёки митрал клапан

7. Кўзлар ялтираб, бўртиб чиқиб қолгани – зудлик билан қалқонсимон без гормонларига анализ топширишга ҳаракат қилинг.
8. Эрталаблари пастки қовоқларингиз салқиб қолади. Бу буйрақлар ёки сийдик пуфағига тегишли аломат: ё сиз уларни шўр, ёғли, дудланган нарсалар ва пиво билан зўриқтирасиз, ёки уларга инфекция тушган.
9. Юзларингиз мармардай оқариб, лабларингиз қизаргани билангирмай ривожланаётган ўпка яллиғланиши аломати бўлиши мумкин – ўпкангизни дарҳол рентген қилдиригиз.
10. Кўзларингиз оқи сарғиш тусга киргани ҳеч шубҳасиз жигар ёки ўт пуфағи фаолиятининг бузилганини билдиради.
11. Ёноқларингиз ва бўйингиз оғина жисмоний юкдан қизаради – бунда албатта қон босимингизни ўлчатинг ва бу ишни мунтазам бажариб юрагингиз маъқул – бу гипертония аломати.
12. Бадан териларида янги холларнинг пайдо бўлиши дерматолог ҳузурига боришингиз кераклигидан дарак беради (тери саратони хавфи ортади). Бунинг устига холлар улар пайдо бўлган жой тағидида ички аъзода ахвол ёмонлашгани ифодаси бўлиши мумкин.
13. Бўйин кекирдик олмаси жойида шишгандай кўринади – уни эндокринологга кўрсатинг, балки бу қалқонсимон без гиперфункцияси аломатидир.
14. Кўзгун олдида гўё тасодифан тўхтагандай бўлиб, эркин ҳолатда туринг: елкаларингиз ва бошингиз пастга эгилиб турибдими, пешонангиз тағидан қараяпсизми? Бу – депрессия аломатларидир.
15. Елкаларингиз бир-биридан паст-баланд

- туради – бу кўкрак умуртқаси остеохондрози белгиси ҳисобланади.
16. Аёлларда кўкрак шаклининг, кўкрак териси рангининг ҳар қандай ўзгаришларида, унда «ғоз териси»нинг пайдо бўлиши, зичлик юзага келишида зудлик билан маммологга юзуринг.
17. Эркакларда сут безларининг катталашishi аёллар гормони – астрогенлар кўпайиши билан боғлиқ равишда специфик гормонал бузилишлар оқибати бўлади. Баъзан қандли диабетда ҳам шу ҳолат кузатилади.
18. Қўл майда бўғимларининг шишиб қолиши – полиартрит, бод касалликлари аломати ҳисобланади. Йирик бўғимлар – тизза, бир-сак бўғимларининг шишиши – артрит ва артроз белгиси.
19. Оёқларингиз салқийдими? Кечкурунлари (айниқса бутун кунни тик оёқда ўтказганингизда) бу ҳолат чарчаганингиз оқибати бўлиб,оёқларингиз остига иккита катта ёстиқни қўйиб ётсангиз – ёрдам беради, денгиз тузи билан ванна қилиш ва ёнгил массаж ҳам фойда беради. Болдир ва тўпиқ атрофлари одатда юрак етишмовчилигидан салқийди, баъзан 2-тип қандли диабетда ҳам шундай ҳолат кузатилиши мумкин.
20. Қорин ва ёнбошдаги чўзиқликлар чуқур ва қизғиш рангли бўлса – булар гормонал бузилиш аломатлари ҳисобланади.
- Азизлар, яна бир бор эслатамиз: ўзингизга диққат билан дам олиб юрсангиз, саломатлигингиз билан боғлиқ ҳар қандай муаммоларнинг олдини олишингизга шубҳа йўқ. Юқоридаги аломатларни ҳам ёдда сақлаб қолсангиз, танангиз ҳолатини билишда ёрдами тегади.



Фан ва техника янгиликлари
СУВ ОСТИДА НАФАС ОЛИШ ИМКОНИНИ БЕРУВЧИ ИХТИРО

Исроиллик ихтирочи Алан Изхар-Боднер сув остида балиқлардек сувдаги ҳаводан нафас олиш имконини берувчи механизмни ўйлаб топди. У яратган тизим «Генри қонун» деб аталган қонуниятдан фойдаланади. Қонунга кўра, сууюқликда мавжуд бўлиши мумкин бўлган газ микдори шу сууюқликка бўлган босимга пропорционалдир, деган қонунда амал қилади.

Ушбу қонунга асосан босимни ошириш йўли билан сууюқликдаги газ микдорини кўпайтириш мумкин. Босим камайтирилганда, газ микдори ҳам камаяди. Шундай ҳодисани, масалан, газланган сув идишини очганда кузатиш мумкин – сууюқликда босим остида турган газ ташқарига чиқа бошлайди ва виқиллаб овоз чиқаради. Боднер тизими кичик ҳажмдаги сувда босимни пасайтириш учун центрифугадан фойдаланади.Қурилма денгиз сувини «симириб», ўзидан ўтказиши шу жараёнда махсус сепаратор сувдаги кислородни ажратиб, уни одамага етказиб беради, қолган сувни эса денгизга қайтариб чиқариб ташлайди. Шунга ўхшаш вазифани балиқларда уларнинг жабралари бажаради. Боднер ушбу ихтиросининг патентини олиб бўлган ва айтиш мумкинки, яқин орада ҳақиқий «одам-амфибия»ларни кўриш мумкин бўлади.

Бир чимдим кулги

ЭНДИ У МЕНИНГ ОНАМ
Икки ўртоқ учрашиб қолиб, ўзаро суҳбатлашади:
— Севган қизинг Хуморхон сени ташлаб кетганимиш – шу ростми?
— Ҳа, рост. Нимаиди?
— Ахир унга, отам миллионер, бир оёғи тўрда бўлса – бир оёғи гўрда, десанг бўлмасмиди?..
— Худди шундай дегандим..
— Ҳўш, нима бўлди?
— Энди Хуморхон – менинг онам!

«БАХТ ПУЛДА ЭМАС!»

Ақа-уқалар Канар оролларида дам олишарди. Уларга бу ер жуда ёқиб қолди. Улар маҳаллий маъмур ҳузурига бориб, уни саволга туттишди:
— Бу ерда ҳамма нарса ажойиб! Бир мазза қилиб дам олиб кетишлари учун дадамизни олиб келмоқчийдик..
— Муаммо йўқ – олиб келаверинглар.
— Фақат сизларда сувнинг ҳарорати 27 даража экан, дадамиз 26 даражани ёқтирадилар: 25 ҳам эмас, 27 ҳам эмас, айнан 26 даража бўлиши керак, тушуянсизми? Ҳақини тўлаймиз.
— Яхши, амаллаймиз.
— Кейин... қирғоқдаги қумларингиз сариқ экан, дадамиз оқ рангли қумни ёқтирадилар, ҳақини тўлаймиз.
— Яхши, иложини қиламиз.
— Паррандалар ҳам бу ерда аллақандай бошқача учишаркан, дадамиз «қурқ-қурқ» қилиб учишини яхши кўрадилар, пулини тўлаймиз.
— Майли, қушлар бўйича ҳам бирон нарса ўйлаб топармик.
— Яна бир нарса: манави пальма даракларини бир текис, қатор қилиб ўтказсанглар – улар жуда бетартиб жойлаштирилган экан – ҳақини тўлаймиз.
— Ҳўп, пальмаларнинг ҳам иложини қиламиз.
Ота оролларида дам олгани келади. Денгиз соҳилига чиқди.Оёқ остидаги қумлар оппоқ, сувага қўлини тикиб кўради – сув ҳарорати роппа-роса 26 даража, қушлар денгиз устида «қурқ-қурқ» қилиб учишяпти, аτροφга назар солса, пальмалар қатор саф чекиб туришибди. У стўлга ўтириб олиб, роҳат билан кўзларини юмаркан, ўзига ўзи дейди – «мана шунчақ пайларда инсоннинг бахти пулда эмаслигига ишонмай бўладими?»

ЭРТАГА БУВАНГ КЕЛСИН!

Муаллим ўқувчига қараб деди:
— Эртага мактабга бувангни олиб кел!
— Дадангни олиб кел, демоқчимисиз?
— Йўқ, буванг келсин. Унга ўғли сенинг уй вазифаларингни бажаришда қандай хатолар қилаётганини кўрсатмоқчиман.

ЎҚИТУВЧИМИЗНИ ҚАЙТАРИБ БЕРОЛМАЙСИЗМИ?

Қўшни синфдаги шовқин-сурон муаллимга ҳалақит бериб, дарс ўтишга қийналади. У ўша синфга кириб, энг баланд кичқираётган бақирокчи қулоғидан бураб, ўзининг синфига олиб кетади. Шундан кейин қўшни синф тинчиб, муаллим бемалол дарсини ўтишга киришади. Бир оз вақтдан кейин кимдир эшикни кўрқибгина секин тақиллатади. Қўшни синфдан бир боланинг боши кўришиб, у аста сўрайди:
— Устоз! Бизнинг муаллимимизни қайтариб беролмайсизми?

ҲАССАСИНИ ҲАМ ИТҚИТАРДИ!

— Жоним, мени бегона эркак билан тутиб олсанг нима қилардинг?
— Уни деразадан улоқтириб юборардим — у билан бирга ҳассасини ҳам!
— Қанақа ҳассасини?
— Кўрлар йўлни мўлжалга олиб, тўқиллатиб юрадиган ҳассасини-да!

БИР ҚАЙНОВИ ИЧИДА ГАПЛАР

Пляжда тушган суратларим шу ерга ёйиб қўйилган. Ичидаги энг чиройлиси – мен...
Чет элга нечта чўмилиш кийими олиб кетишга руҳсат этилган, айтиб беролмайсизми?..
— Сен иссиқ кийимларингни олволдингми?
Ҳа, етти шиша...

Саҳифа материаллари турли манбалар асосида тайёрланди.

Кино: янгиликлар, воқеалар

МАДОННА ҚИЗИ ОНАСИНИНГ ИЗИДАН БОРАДИ

Поп-музыка санами Мадонна қизи Лурдесга кино актрисаси бўлишга руҳсат бермай келаётган. Лекин қиздаги қатъий онасини юмшатди чоғи, у актёрлик касбини танлашига розилик берди. Яқинда кино ва музика санъати юлдузи Сиенна Миллерни Нью-Йорк режиссорларида туш-ликка таклиф этиб, ундан актёрлик маҳоратини сингдиришда қизига ҳомийлик қилишини илтимос қилган.



Нега айнан Миллер? Бу саволга жавоб бераркан, Мадонна Сиеннанинг ўйинидан шундай қаттиқ таассурот олгани ва шунинг учун фақат у қизи Лурдесга мураббийлик қила олиши мумкин, деб ҳисоблашини эътироф этган. Ҳозирча, Сиеннанинг бу таклифга рози бўлган ёки бўлмагани маълум эмас. Айтишларича, актриса мазкур таклифга жиддий қараган.

КИНОКАМЕРА РЕЖИССЁР КЎЗИГА ҲАМ ТУТИЛАДИ

Бир қўзи ожиз ҳужжатли фильмлар режиссёри Роб Спенс сунъий кўзига жойлаштирилган митти камерада фильмини суратга олмақчи. Картина камералар орқали доимий кузатув остида турган жамоада одамлар ўзларини қандай туттишлари бағишланиши керак. Улар ўзларини суратга олишаётганини билишмайди. Бирок, фильмини намойиш этиш учун Спенс уларнинг руҳсатларини олишига тўғри келади.

Роб Спенс болалигида кўзини жароҳатлангирган бўлиб, уч йил аввал ундан бутунлай айрилган. Режиссёرنинг эътирофи эътиҳа, мобил телефон камераси унинг «кўзини очган». Спенс кўз мушакларини бошқариш имконини берадиган бирон нарсага эга бўлиш орзу қилган. Унинг мазкур орзуси ушалишига Торонто университети (Канада) профессор, таниқли ихтирочи профессор Стив Манн ёрдам беради.

«ИГНА» ФИЛЬМИ РЕМЕЙКИ СУРАТГА ОЛИНА БОШЛАДИ

Афсонавий кўшиқчи В. Цой бош ролни ижро этган «Игна» фильми 1990 йили Нюрнбергга ўтказилган Халқаро кинофестивалнинг бош совринига сазовор бўлган. Россиялик режиссёр Рашид Нугманов ана шу фильм ремейкини суратга олишга киришган. Унинг ўзи журналистларга маълум қилишча, фильмга Виктор Цой иштиракидаги томошабинлар кенг доирасига маълум бўлмаган саҳналар киритилади.
— Суратга олиш чоғида оригинал фильм кадрларидан ҳам фойдаланилади, — деди режиссёр. — Бундан ташқари, картинада Александр Баширов, «Игна»да бош ролни ижро этган Марина Смирнова, Пётр

Мамонов ва бошқа актёрлар қатнашади. Фильм сюжети кенгроқ бўлади ва асл нусхада шубҳасиз бўлган жумбоқларни тушунтириб ўтмоқчимиз», — деди режиссёр.
Унинг айтишича, суратга олиш ишлари шу йил ёзи-кузида тугалланади. Ремейк фильмининг аслидан кўпи билан 5 дақиқага узун бўлади. Видео ва аудио турлари янгиланади. Фильмга саундтрек музикани «Кино» гуруҳи музикачилари ижод қилишади.
«Игна» 1988 йилда Нугманов томонидан суратга олинган бўлиб, бош ролларни В.Цой, Марина Смирнова, Пётр Мамонов, Александр Баширов, Александр Конкс ва бошқалар ўйнашган.



МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БЎСТОНИ

ХИКМАТЛАР
ҲАМДУН ҚАССОР

Ўз сирининг фош бўлишини истамаган киши бошқанинг ҳам сирини фош этмайди.

Барча касалликларнинг манбаи кўп емоқдандир.

АҲМАД ОСИМ

Ризонинг боши сабрдир.

Оз гуноҳни ҳуш кўрган кимса, кўпига тутилгай. Ҳар ким кўнгли яхшилиққа кетмоғни истаса, тилини тийсин.

ҲАСАН БАСРИЙ

Дунё ва охират фарб ва шарққа ўшайди — уларнинг бирига қанча яқинлашсанг, иккинчисидан шунча узоқлашсан.

Ким бойиса, фитнага дучор бўлади, кимки қашшоқлашса, уни ғамгинлик эгаллайди.

Дин ва имон тамаъ туфайли зое бўлур.

Кимки ейишга ҳарис бўлса, нафс ўтида куйиб кетар.

Ҳар кишиким уни сўзи ҳикматдан ташқаридир, аини офатдур.

Ҳар кишиким қаноат қилса, халққа муҳтож бўлмас ва кишиким нафси ҳавосига голиб келса, озодлик топар.

САҲЛ ТУСТАРИЙ

Модомики, фақирликдан кўрқсанг, билгилки, мунофиқсан.

Кимки нафсига ҳоким бўлмаса, хор бўлур.

Нафси ўлмагунча одамнинг кўнгли тирик бўлмайди.

Беш нарса инсоннинг ҳуснидир: биринчиси — камбағал бўлатуриб ўзини бой кўрсатиши, иккинчиси — оч ҳолда ўзини тўқ кўрсатиши, учинчиси — ғамгин бўлсада шод кўринмоғи, тўртинчиси — душманига ҳам дўстлик қилиши, бешинчиси — кечалари намоз ўқиб, кундузлари рўза тутиб, яна ўзини бардам кўрсатиши.

Яхши ахлоқли киши халқни ҳам ранжитмас, ўзи ҳам ранжимас.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади

Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур туманида рўйхатдан ўтган «Техно-сапоат» корхонаси ўзининг ташкилий-ҳуқуқий шаклини «Кўп тармоқли корхона»дан «Масъулияти чекланган жамият» шаклига ўзгартирилганини маълум қилади.



Танловда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардаги мусиқа, санъат ва маданият коллежлари, маданият саройлари ҳамда маданият уйларида фаолият кўрсатаётган, кўрик-танловнинг вилоят босқичларида голиб бўлган ҳаваскор дамли созлар оркестрлари ўзaro ижодий беллашдилар. Тадбирда ҳажон бастакорлари асарлари билан бир қаторда ўзбек бастакорларининг мустақиллик йилларида яратган асарлари, дамли созлар оркестри учун мослаштирилган халқ куйлари ижро этилди. Ўз санъатини намойён этган бадиий жамоаларнинг чиқишларини ҳакамлар ҳайъати аъзолари муносиб баҳолаб бордилар. Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғи қошидаги оркестр ижросидаги «Шарк юлдузи» (П.Макаров), «Карнавал вальси» (С.Юдаков) куйлари, Тошкент шаҳар мусиқага ихтисослашган давлат умумтаълим мактаб-интернати бирлашган оркестри ижросидаги «Ўзбекистон вальси» (Х.Раҳимов), мусиқага ихтисослашган давлат умумтаълим мактаб-интернати бирлашган оркестри ижросидаги «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари марши» (П.Макаров), «Эй, она юрт

Танловлар

ИСТЕЪДОДЛАРИНИ НАМОЁН ЭТИШДИ

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази, Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси, Халқаро «Олтин мерос» хайрия жамғармаси ҳамкорлигида Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишлаб Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғида дамли созлар ҳаваскор оркестрларининг республика кўрик-танлови бўлиб ўтди.

Туркистон» (П.Холиқов) каби асарлар танлов катнашчиларининг Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик тўйига муносиб тўхфаси бўлди, дейиш мумкин.

—Маъмур кўрик-танловни ўтказишдан кўзланган мақсад,— дейди Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази директори Ў.Тошматов,— бадиий ҳаваскорлик санъатини ривожлантириш, жойларда фаолият кўрсатаётган дамли созлар ҳаваскор оркестрларининг ижодий фаолияти билан яқиндан танишиш, иқтидорли ижрочилар ва жамоаларни кашф этиш ҳамда уларнинг ижодини кенг тарғиб қилиш, санъатга ихлоси баланд бўлган ёшларнинг оркестр ижрочилигига бўлган қизиқишларини янада оширишдан иборат. Танлов дастурига асосан дамли созлар ҳаваскор оркестрлари Ўзбекистон Миллий боғи, Бобур ҳамда Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғларида пойтахтимиз аҳолиси ва меҳмонларига ўз концерт дастурларини намойиш этилди. Сўнгги йигирма йил ичида биринчи мартаба

ўтказилаётган бундай кўрик-танлов тадбир ташкилотчилари ва иштирокчиларида кўтаринки кайфият уйғотди. Уйлайманки, бу танловни келгусида анъанавий тарзда ўтказиб турилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Танлов якунида голиблар тақдирланди. Тошкент шаҳридаги мусиқага ихтисослашган давлат умумтаълим мактаб-интернати бирлашган оркестри Гран-прига сазовор бўлди. Биринчи ўрин эса Наманган санъат коллежи оркестрига, иккинчи ўрин Х.Х. Ниёзий номидаги Республика мусиқа коллежи ва Сирдарё вилоят Гулистон санъат коллежи оркестрларига, шунингдек, учинчи ўрин Глиэр номидаги республика ихтисослашган мусиқа академик лицейи ҳамда Урганч шаҳар санъат коллежи, Қарши шаҳар санъат коллежи оркестр жамоаларига насиб этди. Шу билан бирга «Маданият ва истироҳат боғларида дамли созлар оркестри санъатининг тарғиботи учун» номинацияси бўйича Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғи оркестр жамоаси, «Энг ёш умидли



дамли созлар оркестри» номинацияси бўйича Тошкент шаҳар мусиқага ихтисослашган давлат умумтаълим мактаб-интернати 8-синф оркестр жамоаси голиб деб топилди. Голиб жамоалар Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази ҳамда Халқаро «Олтин мерос» хайрия жамғармаси томонидан диплом ва қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Шуни ҳам қайд этиш кераки, Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилига бағишлаб, халқаро ва республика кўрик-танлови ва фестиваллари голибларидан таркиб топган «Халқ ижодиёти поёзди» кўни кеча Тошкент темир йўл вокзалидан Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасига жўнаб кетди. Дилором ИКРОМОВА СУРАТДА: кўрик-танловдан лавҳа.

Футбол

МУҲИМ УЧ ОЧКО

«Пахтакор» марказий стадионига йиғилган минглаб мухлислар профессионал футбол лигаси жамоалари ўртасидаги XVIII миллий чемпионат тўртинчи турининг «Пахтакор» — «Насаф» командалари иштирокидаги учрашувнинг гувоҳи бўлишди.

Айтиш жоизки, мамлакатимизнинг етакчи жамоалари «Пахтакор» ва «Насаф» учрашуви доимо қизиқарли курашларга бой, муросасиз кечган. Дарвоқе, ушбу чемпионатда ҳар икки жамоа ҳам фақат совринли ўринларга даъвогарлик қилмоқда. Шу боис кўпчилик баҳс тенг курашлар остида кечади, деб тахмин қилганди. Аммо ўз майдонида ҳаракатланаётган тошкентлик футболчилар сермазмун ўйин намойиши этишди ва 90 дақиқа мобайнида меҳмонлардан устун эканликларини исботлаб рақиблари дарвозасини икки марта ташаббус қилди. Гейрих ва Аҳмедов томонидан киритилган голлар «Пахтакор»га 2:0 ҳисобидаги ғалабани тўхфа этди. Ва муҳим уч очко келтирди.

Энди мамлакат XVIII миллий чемпионатининг 8-тур беллашувлари 30 апрель, 1, 2 май кунлари бўлиб ўтади. (Ўз муҳбиримиз)

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

Тадбиркорлик субъектларига янада қулай шароит яратиш мақсадида, 2009 йилнинг 13 апрелидан бошлаб, «Тошкент шаҳар Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизмати» давлат унитар корхонасининг ҳудудий (туман) хизматлари биноларида нотура-жой биноларини давлат кадастр рўйхатидан ўтказиш бўйича ҳам буортмалар қабул қилиниши йўлга қўйилганлиги маълум қилинади.

Table with 3 columns: Туман хизматлари, Жойлашган манзили, Телефон рақами. Lists various districts and their contact information.

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЎАЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде

1. 2009 йил 9 июн кўни соат 11:00да бўлиб ўтказилган аукцион савдосига суд икромчилари бўлими томонидан қуйидаги мулклар кўйилмоқда: 1. Тошкент шаҳар Ҳамза туман суд икромчилари бўлими томонидан, Тошкент шаҳар Ҳамза туман, Мўйноқ кўчаси, 241-уйда сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситаси кўйилмоқда: — ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 31.07.2007 йилдаги №ЖСК-439/07-сонли икром варақасига асосан хатланган, «Дамас» русумли, д/р 10АВ821 бўлган, 1996 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 8 654 456 сўм. — «ВАЗ-21061» русумли, д/р 11Х5785 бўлган, 1988 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 4 663 934 сўм 40 тийин. — ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 25.02.2008 йилдаги №ЖСК-503/08-сонли икром варақасига асосан хатланган, «Мерседес Бенс-190» русумли, д/р 10Х8212 бўлган, 1993 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 13 593 641 сўм. — «ВАЗ-11183-110-20» русумли, д/р 30Т0344 бўлган, 2006 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 13 920 000 сўм. 2. Тошкент шаҳар Миробод туман суд икромчилари бўлими томонидан, ЖИБ Тошкент шаҳар Чилонзор туман судининг 10.03.2009 йилдаги икром варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар ИИБ5 Ақсорт маркази омиборонасида сақланаётган, «Нисан Максима» русумли, д/р 111 2291 бўлган, 1995 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 15 224 702 сўм. 3. Тошкент шаҳар Бектемир туман суд икромчилари бўлими томонидан, ЖИБ Тошкент вилоят судининг 01.08.2009 йилдаги икром варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар ИИБ5 Ақсорт маркази омиборонасида сақланаётган, «Ваз 217003-110-01» русумли, д/р 30Х1927 бўлган, 2007 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 17 840 000 сўм. 4. Тошкент шаҳар С. Раҳимов туман суд икромчилари бўлими томонидан, Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманлараро судининг 22.09.2008 йилдаги 1-8095/08-сонли икром варақасига асосан хатланган, майдони 9 кв.м., 2004-2005 йилларда қурилган, 1 қаватдан иборат 8-сонли «Турғун савдо дўкони» кўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 22 781 403 сўм. 5. Шунингдек 2009 йил 26 май кўни соат 11:00да бўлиб ўтказилган аукцион савдосига тақроран қуйидаги мулклар кўйилмоқда: 1. Тошкент шаҳар Миробод туман суд икромчилари бўлими томонидан, Тошкент шаҳар ИИБ5 Ақсорт маркази омиборонасида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари: — ЖИБ Тошкент вилояти Тошкент туман судининг 16.10.2008 йилдаги 436-2008-сонли икром варақасига асосан хатланган, «Нексия» русумли, д/р 11В9717 бўлган, 1998 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 8 960 698 сўм. — ЖИБ Тошкент шаҳар Чилонзор туман судининг 06.10.2008 йилдаги 1-1050-2008-сонли икром варақасига асосан хатланган, «Нексия» русумли, д/р 18М4071 бўлган, 1996 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 12 519 364 сўм. — ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 20.08.2007 йилдаги ЖСК-1-415/2007-сонли икром варақасига асосан хатланган, «NISSAN МАКСИМА» русумли, д/р 22Л7707 бўлган, 2003 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 36 450 000 сўм. — ЖИБ Юнусобод тумани судининг 1-346/08-сонли икром варақасига асосан хатланган, «ВАЗ-21061» русумли, д/р 10С4983 бўлган, 1981 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 1 080 000 сўм. 1.1. Тошкент шаҳар Божхона бошқармаси 11-мақолада сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари: — ЖИБ Тошкент шаҳар Чилонзор туман судининг 04.08.2008 йилдаги 1-706-2008-сонли икром варақасига асосан хатланган, «Тиаго» русумли, д/р 11В9259 бўлган, 1996 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 4 910 400 сўм. — ФИБ Учтепа туманлараро судининг 18.02.2008 йилдаги 1-983/2008-сонли икром варақасига асосан хатланган, «Митсубиси-3000» русумли, д/р 10Н0933 бўлган, 1993 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 20 160 000 сўм. — ФИБ Тошкент шаҳар Учтепа туманлараро судининг 11.03.2008 йилдаги 1-975-сонли икром варақасига асосан хатланган, «Кадиллак» русумли, д/р/рив бўлган, 1987 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 5 040 000 сўм. — ФИБ Тошкент шаҳар Учтепа туманлараро судининг 13.12.2007 йилдаги 1-22521/2007-сонли икром варақасига асосан хатланган, «Джил Лендровер» русумли, д/р/рив бўлган, 1992 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 30 240 000 сўм. — ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 08.11.2007 йилдаги ЖСК-1-583/07-сонли икром варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар ИИБ5 Эриш жазирда маҳоратчида сақланаётган, «БМВ» русумли, д/р/рив бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 5 040 000 сўм. — Ўзбекистон Республикаси ҳарбий судининг 16.01.2006 йилдаги 4/2006-сонли икром варақасига асосан хатланган, Миробод тумани, Янги замон 3-тор кўчаси, 3-уйда жойлашган, 1-хонадон кўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 13 860 000 сўм. 2. Суд Департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 06.03.2006 йилдаги ЖСК-1-88/2006-сонли икром варақасига асосан хатланган, «Central Asia P.G.Ltd» компаниясига тегишли, Қашқадарё вилоят 13-сонли «Ақоид» ТИФ божхона постида сақланаётган: — «ПЦТ-38» русумли, шасси № 439САТ11050005168 бўлган, 2005 йилда и/ч ярим тирмак. Бошланғич баҳоси — 80 000 000 сўм. — «ПЦТ-38» русумли, шасси № 439САТ11050005164 бўлган, 2005 йилда и/ч ярим тирмак. Бошланғич баҳоси — 80 000 000 сўм. Маъмур автотранспорт воситалари ва кўчмас мулк билан тегишли суд икромчилари бўлими вақили иштороқда бевосита жойга чекиб таъиниш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш унун талабдорлардан аривалари қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтаб қолмайди. Ушбу савдоларда катнашиш учун талабдорлар «Савдо ташкилотчиси» билан тузилган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закалат келиши, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатиде икром ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «Савдо ташкилотчиси» РКМБнинг ОАЖБ «Илк йўли банк» Carбон-ф-дэги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: /х/р: 20210000300571452114.МФО: 01036. ИНН: 200933850. Манзил: Тошкент ш. С. Раҳимов т. М.Уразбоев кўчаси, 1-А-Й. Тел: 228-79-52. www.rkmb.uz Савдоларга марҳамат!

ҲАР ТЎҒРИДА

● Венецияда кабутарларга емиш бериш ман этилади. Айниса, буни муқаддас Марк майдонида қилиш мумкин эмас. Шунингдек, белдан юқори қисмга қийим киймай юриш, фаввораларда чўмилиш ва туристик йўналишлар ёқасида бутерброд ейиш мумкин эмас. Жазо сифатида аввал оғохлантириш берилади. Агар жарима солинса, уни шу пайтнинг ўзида тўлаган маъқул, акс ҳолда 50-60 доллар ўрнига 600 доллар тўлашиниғиз мумкин. ● Германияда тезликни бирдангиза пасайтириш тақиқланади. Аммо, ҳавфли бўлишига қарамай, машинани йўловчилар йўлида ҳайдаш мумкин. Солинадиган жарима 100 долларгача бўлиши мумкин. ● Таиланда белгача яланғоч ҳолатда машина ёки мотоцикл ҳайдаш ман этилади. Жазо сифатида 10 доллар жарима солинади. ● Канадада танга билан қайтим қайтариш ман этилади. Зеро, 1985 йил майда тангалар ишлатилиши бўйича қонун қабул қилинган. Аммо, сотувчидан тангаларингизни йириклатиб беришини сўрасангиз бўлади. Лекин у ҳам буни рад этиши мумкин. ● Данияда автомобилни ижарага олган бўлсангиз, чирокларини ёқиб юриш шарт экан. Шу тарзда маҳаллий ҳайдовчилар «бегоналарга» эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишди. Жарима 100 доллар атрофида бўлади. ● Сингапурда яқинларгача сақич чайнаш ман этилган. Шунингдек, сайёҳлар кабутарларга озука беришлари, кўчаларга туфуриб, умумий ҳоҳатхоналари ифлослантиришини ёқтиришмайди. Жазо жарима шаклида белгиланади. ● АҚШнинг АТТ компанияси 50 доллар қийматга эга бўлган ноутбуклар ишлаб чиқаришини йўлга қўйди. Хозиргача арзон ва замонавий ушбу ҳурлиман фақатгина Италия ва Филаделфия штати аҳолиси харид қилиш имкониятига эга. Компания харидорларга ҳаммаси бўлиб тўртта: Acer Aspire One Dell Inspiron Mini 9 ҳамда LG Xepia савдо белгисидеги ноутбукларни тақдир қилмоқда. Компьютер қурилмалари техник имкониятларидан қелиб чиқиб, 50 доллардан 250 долларгача қийматда сотувга чиқарилган. Ушбу компьютерларнинг оддий нархи 450 дан 600 долларгача. Сотувда барча компьютерлар 3G хизматига уланган бўлиб, АТТ компанияси алоқасидан фойдаланиш шартин билан 2 йиллик муддатга шартнома асосида берилади.

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
Буортма Г-406

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (3712) 233-21-56.
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563
ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатда олинган.
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилди. 3752 нусхада босилди. Қоғоз битими А-2

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтасига» — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишигиз мумкин.
Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва сақланган.
«Шарк» нашриёт-матбоа акциядорлик компанияси босмоҳонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.

9 5 6
Тошпирилган вақти: 13.35